

Қаламда
тасвирланган
меҳр



3

Зангори экраннынг зарари...



4



6

Ёмғир ёққан кун

«Менга бари бир!»



8

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Шавкат СУЛТОНОВ
олган суратлар



Жаҳондаги барча халқлар бирор хислати билан фахрланади, шу орқали бошқалардан устунлигини намоён этмоқчи бўлади. Бизнинг аجدодларимиз эса азал-азалдан ақлий салоҳияти, илму тафаккури ила оламни лол қолдириб келган. Айни шу хусусият бугунги авлодлар қониди ҳам жўш ураётгани бор ҳақиқат. Бинобарин, мустақил Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эртанги кун эгаларини ҳар томонлама баркамол, пухта билим ва кенг дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашга қаратилган.

Юртимизда кенг нишонланган Истиқлолнинг 20 йиллиги тантаналари ўқув муассасаларидаги Билимлар куни байрами билан уланиб кетди. Айниқса, бу йил мактаб остонасини ҳатлаган 485 мингдан зиёд ўғил-қизнинг ҳаяжони ўзгача эди. Уларга илк сабоқ — «Мустақиллик дarsi» бошланишидан аввал ўн уч номдаги ўқув қуроллари ҳамда дарсликлардан иборат Президент совғаси топширилди. Жамжи қўлчалари билан қалам тутиб, ёруғ келажак суварини чиза бошлаган мурғак ўқувчилар юз-кўзида бугунги кундан бахтиёрлик, эртанги кунига ишонч балқиб турарди.

“ОБУНА — 2011”

Индекс:

Якка обуначиларга — 176,
Ташкилотларга — 177



“Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келатган муҳтарам муштарийлар! Унутманг, газетамизга обуна йил бўйи давом этаверади.

Ушбу сонда:

Гузэл Ҳожиқулова:	
Табиий гўзаллик сари интиламан!	2
Самарқандлик Мартаба опанинг мартабаси	2
Олови ёқса-ю, пули чақса	3
«Машоқ» билан «Бошоқ»нинг фарқи борми?	4
Мушпарийлар учун бепул маслаҳатлар	5
101 ёшли Улжон момонинг шукронаси	6
Очилмай қолган парашютдан омон қолганлар	7
Куёвига келин топган қайнона	7
«Ўғлимнинг исмини Жумонг кўйишибди»	8
Тошкентда нафосат байрами бошланди	8

2011— КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

Табий гўзаллик сари

— Болалигимдаёқ ўсимликларнинг ўнлаб турларига қизиқиб, инсоннинг ташқи ва ички дунёсига таъсири билан бирга фойдали ҳамда зарарли жиҳатлари хусусидаги маълумотларни ўргана бошлаганман, — дейди сўхбатдошимиз. — Айниқса, табобат султони Абу Али ибн Синонинг китобларини ўқиш баробарида махсус курсларга ҳам қатнадим. Мактабда ўқиб юрган пайтимда эса инглиз тилини ўргана бошладим. Шу боис 2005—2009 йиллари Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидеда инглиз ва турк тили бўйича тахсил олдим. Ота-онам ҳам зиёли бўлгани учун оруз-мақсадларимга эришишимда яқиндан кўмак беришди. Университетни тугатганимдан сўнг фойдали ўсимликлардан косметик совунлар тайёрлай бошладим. Илк махсулотимни аввал ўзимда синаб кўрдим. Натижаси ёмон бўлмади ва шу тарихда кичик бизнесдаги фаолиятим бошланди.

Хуллас, Гўзал Ҳожикулова хайрли ишларга қўл урди. Ўзининг айтишича, бир куни у интернетда «Меҳр нури» жамғармасининг оилавий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ҳамда фермерликни ривожлантиришга қаратилган грантлари учун аризалар қабул қилаётгани



Гўзал Ҳожикулова — бугунги кунда кичик бизнесдан катта тадбиркорлик сари илдам одимлаётган иқтидорли ва зукко ёшлардан бири.

ҳақидаги хабарни ўқиб, тайёрлаган косметик қўлланмалари ва келгусидаги бизнес режасини ҳайъатга тақдим этади. Унинг тайёрлаган махсулотлари махсус комиссия кўригидан ўтган, 2010 йилнинг

декабрь ойда махсус сертификатни қўлга киритган 20 нафар ғойиблар орасида Гўзал Ҳожикулованинг номи ҳам эълон қилинади.

Кичик тадбиркорлик фаолиятида «Табий гўзаллик сари» широк қатъий амал қилган ҳолда изланишлар олиб бораётган Гўзалдан юз учун ишлатиладиган совунни тайёрлаш ва унинг хусусиятлари ҳақида изоҳ беришини сўрадик.

— Бундай совунларнинг тури кўп. Аксарига мойчечак, тирноқгул, ёқимли хид берувчи япроқлар, мўмиё, қорақиз, қончўп ва яна бошқа қўлба тери учун фойдали бўлган ўсимликлар қўшилади. Улар асосан юзни яшартирувчи, ажин ва доғларни кетказиб, терини оқартириш хусусиятига эга. Яна бир қизиқ жиҳати, бу совунлар эркак ва аёллар учун алоҳида тартибда тайёрланади.

— Тайёр махсулотларингизни сотиш ва тарқатишда қийналмаяпсизми?

— Кўпинча бу ҳақда эшитган, билганлар тўғри уйимизга сўраб келишади. Қолаверса, битта дўкон билан шартнома ҳам тузганман. Шунингдек, бир неча гўзаллик салонлари ҳам менинг махсулотларимдан фойдаланади.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

СОЛИҚ ФАОЛИЯТИ

ишлаб чиқарилмайдиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатларга мувофиқ четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентларни божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинган ҳам айна мўддоо бўлди.

Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда, туман ДСИ хо-

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат махсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини етарли даражада қондиришга кўмаклашиш бошқа масъул ташкилотлар билан бир қаторда биз — солиқ соҳаси ходимлари олдида турган устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори бу борада қатор долзарб масалаларни ечиши имкониятини берди. Жумладан, мазкур қарорнинг саккизинчи бандига мувофиқ, 2012 йилнинг 1 январига қадар

Имтиёзлар — ривожланиш омили

бўлган даврда мазкур соҳага тегишли бўлган фаолиятлар учун қатор солиқ ва божхона имтиёзлари яратилгани анча самара бермоқда. Хусусан, мазкур қарорга биноан «Меvasабзавоттаёйрлов-савдо» компанияларини ягона солиқ тўловидан озод қилиш, бўшайдиган маблағларни мева, сабзавот, картошка, полиз махсулотлари ва узум тайёрлаш ҳамда сақлаш объектларининг айланма маблағларини тўлдиришга ва уларни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлашга мақсадли тарзда йўналтириш белгиланган.

Қарорда кўрсатиб ўтилганидек, асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган микрофирма ва кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга камайтирилди. Бундан бўшайдиган маблағларни ишлаб чиқариш корхоналарини техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга, шу жумладан, янги лабораториялар барпо этиш ва мавжудларини жиҳозлашга, янги махсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, шунингдек, хомашё базасини ривожлантиришга йўналтириш мақсад қилинган. Гўшт ва сут етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган, республикада

димлари томонидан олиб борилган амалий фаолиятни таҳлил этадиган бўлсак, ўтган мўддат мобайнида мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, янги ташкил топган «Sunnatilla Sirovat» хусусий корхонаси биргина ягона солиқ тўловидан имтиёз қўлланиши натижасида ўтган 6 ойда 12 млн сўм тежаб қолган. Ушбу маблағ корхонанинг техникавий жиҳатдан қайта модернизация қилинишига йўналтирилди. Натижада корхонанинг ички истеъмол бозорига чиқарадиган махсулотлар тури ошди.

Яна бир мисол, «Umid Mutalov» корхонаси ҳам солиқ имтиёзларидан фойдаланиб, юқори натижаларга эришди. Бу эса янги иш ўринлари яратиш имконини берди. Йил якунига қадар ушбу қарорда назарда тутилганидек, кўпгина корхоналар ўзларининг ишлаб чиқариш имкониятларини янада кенгайтиришига сира шубҳа йўқ.

Шерзод ХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳар Сирғали тумани
ДСИ бўлим бошлиғи.

Беминнат ҳимоячилар

...Мартаба опанинг одатдаги иш куни хали хонасига етиб келмасиданоқ бошланади. Сабаби, у Самарқанд шаҳридаги 6-сонли оилавий поликлиника шифокори. Ўзи ҳам шу худудда истикомат қилгани учун келиб-кетгунича йўл-йўлакай жонли мулоқотлар давом этаверади. Ишхонада эса тиббий текширувлар, ташхис қўйишу керакли даво муолажаларини ёзиб бериш бир лаҳза тўхтамайди.

— Асли мутахассислигим терапевт эди, — дейди Мартаба Содикова. — 2007 йили ушбу оилавий поликлиника ташкил этилгандан сўнг умумий амалиёт шифокори сифатида қайта ўн ойлик курсда ўқиб келдим ва яна шу ерда фаолият юрита бошладим. Худудимизга қарашли ҳар бир оиланинг аҳолидан хабардор бўлиш энг асосий вазифамиздир. Одатда, болалар поликлиникаси шифокорлари оилаларга боришади-ю, фақат ўша хонадондаги кичикинтойларнинг соғлиғини назорат қилишади. Биз эса ҳар бир

оила аъзосини тиббий кўриқдан ўтказиш, уларнинг умумий аҳолидан хабардор бўлиб борамиз. Айни пайтда жамоамиз Тазар, И.Акрам маҳаллаларидаги 250 дан зиёд хонадонга тиббий хизмат кўрсатади. 1406 нафар аҳолининг 360 нафарини болалар ташкил этса, улардан 82 на-

СОҒЛИГИНГ — БОЙЛИГИНГ

фари ўсмирлар, бир ёшгача бўлганлари эса 35 нафар, қолганлари катта ёшдаги эркак ва аёллардан иборат. Жорий йилнинг биринчи чораги давомида худудимиздаги туғруқ ёшдаги аёлларнинг 82 фоизи тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар бўйича 109 нафари соғломлаштирилди. Ўсмир кизларнинг ҳам 78,3 фоизи диспансер кўригидан ўтказилди.

Ўз вақтида профилактика ишлари олиб борилгани туфайли бу худудда 2009 йилдан бери гўдақлар ўлими кузатилмади, болалар ўртасида ногиронлар сони

камайгани Мартаба она сингари жонкуяр шифокорларнинг беминнат хизмати туфайлидир, десак муболаға бўлмайди.

— 19 нафар умумий амалиёт шифокорлари ҳамда 40 нафар оилавий ҳамширалар билан биргаликда 14 та маҳаллада яшовчи 5046 та оилага хизмат кўрсатамиз, — дейди Самарқанд шаҳридаги 6-сонли оилавий поликлиника бош шифокори Фотима Ашурова. 26 минг 237 нафар аҳолига 2007 йилдан бери оилавий поликлиника сифатида фаолият кўрсатиб келамиз. Тасаввур қилинг, ёш келин қайнонаси билан истикомат қилади. Келинчакнинг аҳоли яхши эмас, аммо кетмакет фарзанди бўлишини истади қайнона. Шунда худуд шифокори, ўша қайнонага ҳам вақтида тушунтириш ишларини олиб боради, мисоллар келтиради. Онохоннинг ўзидаги касалликлар сабабини таҳлил қилади. Чунки у қайнонанинг ҳам шифокори ҳисобланади-да. Хуллас, мана шундай тушунтириш вақт ўтиб,

ЖАРАЁН

Концепция тарғиботи

Президентимиз томонидан эълон қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Бу борада бизнинг институт жамоаси ҳам қатор хайрли тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, таътил мавсумида Қашқадарё вилоятидаги шаҳар-қишлоқларда мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда Тошкент давлат юридик институтининг ёздан ортиқ талабалари ҳам фаол иштирок этишди.

Мазкур концепциядан ўрин олган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш йўналиши билан боғлиқ вазифалардан бири — фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бўйича қилинган маърузалар кўпчилигида катта қизиқувчиги бўлди. Айниқса, жонли мулоқотларда аҳолининг деярли барча қатламлари истиқбол шарофати туфайли мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари, халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган энгил ислохотлардан мамнулигини изҳор этди.

Аслиддин АБДУРОЗИҚОВ,
Сарвар МУХАММАДИЕВ
Мавлуда БЕКМУРДОЕВА,
Тошкент давлат юридик
институтини талабалари.

Марказ очилди

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежидида «Асл либослар маркази» очилди. Вилоят хотин-қизлар ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими бирлашган касба уюшма кўмиталари ҳамкорлигида бир неча йилдан бери анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Асл либослар» танлови бу марказнинг очилишига муҳим асос бўлди. Шунингдек, тақдимот маросимида вилоятдаги 25 та касб-хунар коллежларининг ушбу йўналиш бўйича тахсил олаётган ўқувчи қизлари томонидан тайёрланган миллий ва замонавий бежирим либослар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Маросимда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Нигора Якубова қатнашди.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Андижон вилояти.

ўз самарасини бераётир. Номқабул бўлган туғиш мўддати оралиғи, ногирон болалар туғилиши кўрсаткичлари ҳам пайсаиди.

Энг муҳими, аҳолининг тиббий саводхонлиги анча ошиб бораётти. Бунинг замирида, албатта, Президентимиз аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда она ва бола муҳофазаси бўйича имзолаган иккита қарорни ижроси, шу бўйича олиб борилган кенг қўламли ишлар ётибди.

Поликлиникадан чиқарганимиз, бу маскан беморларнинг қўлиги эмас, профилактик нуқтани назардан соғлиғига берафар бўлмаган кишилар бисёрлиги боис гавжум эканини сезиш қийин эмасди.

...Мартаба она эса ишдан қайтаётти ҳам бир хонадонга кириб ўтишни режалаштиради. Сабаби, у ўз маҳалласидаги оилаларнинг ҳам шифокорига айланган: болаларидан тортиб, катталаригача...

Гулрух МЎМИНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Самарқанд вилояти.

Кўнгилдаги туйгулар, ҳис-кечинмаларнинг шакли борми? Уларнинг ранги қанақа? Овозини ҳам эшитиш мумкинми? Шундай саволлар билан рассом-мусаввирларга мурожаат этсангиз, турлича мазмунда жавоб беришади. Сўхбатдошимиз — Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтининг тасвирий санъат кафедраси ўқитувчиси, рассом Феруза Сайдиева ҳам ўз қалбидаги меҳрни, илиқлик ва самимиятни қоғозга, турли шакл ва шамоийл, ранг ва кўринишларда туширади. Бу шакллар кимнидир мафтун этади, бошқа бировни ўйга толдириб, ўз ҳаётини мушоҳада қилишга чорлайди, кимдир ундан завқ олади, яна кимдир...

— Мусаввирлар орасида хотин-қизларнинг камлиги сабаби нимада деб ўйлайсиз? Балки улар учун ижоддан кўра оила муҳимроқдир, балки...

— Билмадим, лекин мен учун соҳаларни, айниқса, ижод майдонидоги фаолият жараёнини жинсларга бўлиш галатирок туюлади. Нега десангиз, Оллоҳ ҳам мамизга тенг равишда юрак берган, кўнгили берган. Кимдир шеър ёзади, яна биров кўшиқ айтади, куй басталайди, бошқаси кашфиётлар яратади, хуллас, ҳар ким бу дунёда ўз иқтидори, салоҳияти даражасида ўзлигини намоян этиш учун курашади. Шу маънода, рассомлар орасида хотин-қизлар озчиликни ташкил этади, деган фикрга кўпам қўшилмайман. Улар эркаклардан кам эмас, фақат ҳаёт ташвишларини кўпроқ ўйлаганликлари учун ўз ижодий имкониятларидан фойдаланишда қийналишади. Бу исбот талаб қилмайдиган оддий ҳақиқат. Яна бир жиҳати, бу менинг шахсий фикрим, аксарияти ҳар доим ота-оналарининг қўллаб-қувватловига муҳтожлик сезиб яшайди.

— Жуда тўғри фикрни ўртага ташладингиз, мен ҳам тўла кўшиламаман, кўп кузатганман-да, бевосита рассомчиликка қизиққан қизларни негадир ота-оналар унчалик хушламайди? Нега?

— Айтишларича, мен ҳам бошқа болакайларга ўхшаб, уч ёшимда қўлимга қалам ушлаб, аллақандай тасвирларни қоғозга тушира бошлаган эканман. Отам архитектор бўлгани учунми, бу қизиқишимга жиддий эътибор қаратади. Мен чизган тасвирларда шу ёшдаги болалардан фарқли, яъни уларга хос

бўлмаган аниқлик борлигини сезгач, менга ўйинчоқдан кўра кўпроқ қоғоз, рангли қаламлар

Қаламда тасвирланган меҳр



келтириб беради. Онам эса шифокор бўлишига қарамай, бизнинг қизиқишларимизни қўллаб-қувватлаган.

— Болалигингизда чизган ва хозиргача эсингизда сақлаиб қолган суратларингиз борми?

— Мультфильм қаҳрамонлари, масалан, тимсоҳ Гена ва Чебурашкани чизганим аниқ-тиниқ ёдимда. Кейинчалик, қўлим анча-мунча келиша бошлагандан сўнг, оиламиз билан боғлиқ ҳаётий ҳолатларни тасвирлашга уринардим. Биласизми, хозир англаяпманки, уйдаги муҳит ҳар

қандай ҳолатда ҳам болаларга таъсир ўтказаркан. Ота-онанинг бизга кўрсатаётган чексиз меҳрибончиликларини тасвирлагим келар, бу фаройиб меҳр-муҳаббатни қай тарзда акс эттирсам экан, деб ўйлаб юардим. Қиш кунларининг бирида дадам билан кўчага чанги учишга чикдик. Ташқарида маза қилиб ўйнаб келганимиздан сўнг ана шу ҳолатни тасвирга туширдим. Биринчи марта ота-онани ўша суратим билан хурсанд қилганман...

— Кейин-чи, шамолдай



турадиган жиҳатлари кўп: яъни романтик, инжиқ, қайсар ва ҳоказо... Бу нима, ўзига хосликми ё?...

— Нафақат шоир ёки ёзувчи, рассом, балки аксарият ижодкорларга хос бўлган хусусиятлар булар. Ижод шундай бир мураккаб жараёнки, назаримда, бунда озгина илоҳийлик ҳам борга ўхшайди. Чунки ишлаётган пайтинг кўзингга ҳеч нарса кўринмайди, дунёни, борлиқни, қувончу ташвишларни буткул унутасан ва ўзинг билан ўзинг қоласан. Бундай ҳолатлар менда ҳам кўп бўлади. Тасаввуримдаги расмини чизолмасам, дунёга сиғмай қоламан. Биламан, ўша лаҳзадаги кайфият қайтмайди энди. Шунинг учун имконим еттунича ҳар бир лаҳзадан унумли фойдаланишга интилам.

— Бу, ахир, осон эмас-ку. Оилалисиз, турмуш ўртоғингиз, қайнона-қайнота, уй юмушлари дегандай...

— Уйдагиларимнинг мени тўғри тушунишлари ва кўмак беришлари энг катта бахтим бўлса керак. Уйда алоҳида устaxonа бор. Турмуш ўртоғим ҳам архитектура соҳасида фаолият юратади. Мен тушган хонандон зиёли ва, энг муҳими, ижодни қадрлашади. Қолаверса, бугун аксарият хонандонларда келинни жамиятнинг фаро аззоси сифатида қабул қилишади.

— Демак, катта режалар ҳали олдинда экан-да?

— Миллий матолардан европача услубдаги либослар эскизларини тайёрлаб қўйганман. Уларни намоян қилиш ҳаракатидаман. Сурат чизиш, дақиқалардан фойдаланиш, талабаларга дарс беришда ҳам кўп кунни янгиликлар, кичик бўлса-да ўзгаришлар қилишга интиляман. Ижодкор халқи умр бўйи ширин орзулар, ёруғ ниятлар билан яшайди.

“Оила ва жамият” муҳбири Гулрух КОМИЛОВА сўхбатлади.

СУРАТЛАРДА: рассом Феруза Сайдиева ижодидан намуналар

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

устозларим учун ҳам қувончли воқеа бўлди. Шу йилнинг феврал ойида «Севги изҳори» номи кўргазмамини ташкил қилдим. Устоз рассомларнинг самимий эътирофига сазовор бўлдим, ошқора билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалардан ҳам етарлича хулоса чиқардим.

Албатта, юртимизда шахсан Юртбошимиз раҳнамолиги ҳамда ташаббуслари билан биз — ёшларга давлат даражасида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, ҳар бир соҳада истеъодларнинг қўллаб-қувватланиши ўзгача руҳ бағишлайди, янада фаолроқ ижод қилишга ундайди.

— Рассомчиликда сиз танлаган йўлнинг афзал жиҳатлари нима деб ўйлайсиз?

— Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтидан ўқиб юрган кезларимдаёқ реализм услуби менга хос бўлса керак, деган қарорга келгандим. Сабаби, табиатдаги бор нарса қандай бўлса, шундай ифодаланган суратдан киши кўпроқ маданий хордиқ чиқарса керак, деб ўйлардим. Дарвоқе, ҳалиям шу фикрданман. Ижодкорнинг фикри аниқ, ошқора бўлиши тарафдориман.

— Умуман ижодкорларнинг бошқалардан ажралиб

ОЛОВИ ЁҚСА-Ю, ПУЛИ ЧАҚСА...

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Хозирда республикамизнинг барча шахару қишлоқларида газдан фойдаланувчилар оммавий равишда хатловдан ўтказилаётди. Жумладан, Нишон туманида ҳам бу борадаги ишлар изчиллик билан олиб борилмоқда.

Нишон ҳудудидан 357,9 километр газ қувурлари бўлиб, 113,6 километр юқори, 52,4 километр ўрта ва 191,9 километр паст босимли газ қувурларидан фойдаланилмоқда. Туманда 146 мингдан ортиқ аҳоли истикомат қилаётди, 12 760 хонадон табиий газдан баҳраманд бўляпти. Улгуржи истеъмолчилар сони 149 тани ташкил этиб, шундан 13 та санаот корхонаси ва 136 та маиший истеъмолчидан иборат.

Аҳолига намунали сервис хизмати кўрсатиш мақсадида 20 нафар чилангар, 10 нафар муҳандис-техник ҳамда 4 та пайвандлаш ғуруҳи ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида 4 нафардан малакали ходимлар самарали иш олиб боришмоқда. Шуни ҳам алоҳида қайт этиш керакки, табиий газ этиб борманган Қирқулоқ, Янгибоб, Балхияқ қишлоқлари аҳолисига сиултирилган газ етказиб бериляпти. Бунинг учун алоҳида автомашина ажратилган.

Хатлов пайтида улгуржи истеъмолчиларнинг 24 миллион сўмдан ортиқ қарздорлиги аниқланиб, шундан 30 та юридик истеъмолчиларга нисбатан ҳўжалик



судига 18 миллион сўмлик даъво аризаси киритилди. Уларга нисбатан суд қарори асосида даъво аризалари чиқарилди ва 9 миллион сўмга яқин қарздорлик ундирилди. Табиий газдан фойдаланиш қондаларини буганлиги учун 3 та улгуржи истеъмолчи нисбатан 188,3 минг сўмлик табиий газ қайта ҳисоб-китоб қилинди.

— Шу кунгача 8386 та хонадон хатловдан ўтказилиб, табиий газдан фойда-

ланиш қондаларига риюя қилмаган 186 та хонадон аниқланди ва келтирилган зарар қайта ҳисоб-китоб қилинди, — дейди “Нишонтумангаз” филиали бошлиғи Абдужалил Каримов. — Хатлов жараёнида 908 та хонадон газ тармоғидан узилиб, 19 та хонадондан қарийб 5,5 миллион сўм қарздорлик ундирилган бўлса, 261 та хонадондан қарзни ундириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси киритилди. Тадбирдан ҳар бир оила аъзоларига газдан тўғри фойдаланиш қондаларини тушунтириш, истеъмолчиларнинг ҳақиқий қарздорлиги ва газ тармоқларининг техник

ҳолатини аниқлаш, қондабузарларга нисбатан чора кўриш натижасида пул тушумини ошириш ва қарздорликни камайтириш мақсади кўзланган. Шунингдек, истеъмолчиларга етказилган табиий газ учун мавжуд қарздорликни қисқартириш, унинг ўсишига йўл қўймаслик, ҳисоб-китоб ва сотиш тизимини такомиллаштириш, истеъмолчиларнинг тўловларини ўз вақтида амалга ошириш учун жавобгарлигини кучайтириш ҳам ният қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишини бажариш борасида туман давлат солиқ инспекцияси, “Нишонтумангаз” филиали, туман ички ишлар бўлими ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Бир неча йилдан бўён Дилшод Раҳимов, Шонийёз Минглиев, Саид Холматов, Бахтиёр Қарақулов сингари назоратчилар аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келишаётди. Уларнинг сўй-ҳаракати билан оийлқ газ тўловлари вақтида амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган нефть-газ маҳсулотлари асосан Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келади. Хомашени қазиб олишдан тортиб, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган ишда қўллаб қўйиш инсонларнинг заҳматли меҳнати ётади. Аҳолига беминнат дастёр ҳисобланган табиий газдан тўғри ва оқилона фойдаланиш эса ҳар биримиздан ўта масъуляти ўз вақтида амалга оширишимиз лозим. Оловини ёққандан кейин ҳақини ҳам ўз вақтида тўлаш ҳар бир кишининг виждоний бурчига айланган.

Шавкат СУЛТОНОВ, “Оила ва жамият” муҳбири. Қашқадарё вилояти.

Хозир телевизорсиз хонадон бор десак, очиги, ҳеч ким ишонмайди. Аслида ҳам, шундай. Инсониятнинг энг гаройиб кашфиётларидан бири бўлмиш бу матоҳ бугун қайсидир маънода ҳаётимиз мазмун-моҳиятига айланган қолган. Ажабланирлиси, кенг оммани бу даражада ўзига оҳанрабодек жалб эта олган бошқа бундай буюм тарихда бўлмас керак. Балки, орамизда кимдир эътироз билдириб: «Китоб ҳам оммавийлик бобида телевизордан кам эмас!», дейиши мумкин. Тўғри, бу фикрда ҳам озгина ҳақиқат бор: қачонлардир мутолаа ажодларимизнинг энг сеvimли машгулотларидан бири бўлган. Лекин аёнлик, у даврларда ҳам бу аjoyиб

янада «бойитиш»га хизмат қилаётганини уларнинг гап-сўзларидан англаб олиш қийин эмас.

— Телевизорнинг бола руҳиятига, шахс сифатида шаклланишига салбий таъсирини сув юзасида фақат учи кўриниб турган айсбергга ўхшатиш мумкин, — дейди психолог Саъдулла ТУРСУНОВ. — Бир қараганда безарар туюладиган бу фаолият бола учун, унинг соғлом вояга етиши учун ҳал қилувчи масала бўлиб бормоқда. Бир йил мобайнида «дастурлар орасидаги танаффуслар»ни мунтазам томоша қилиб борган олти ёшли бола кўшиш, айриш, ўқиш каби бошланғич мактаб амалларини ўзлаштиришда телевизор кўрмайдиган тенгдошларидан

лиси, болалар ва ўсмирларнинг бадиий адабиёт мутолаасига қизиқишлари пайсаган, улар осон йўлга ўтиб олишган. Яъни, зангори экрандан берилаётган ахборотлар билангина қониқтириш қиладилар. Бу, албатта, ақлни зўриқтириб китоб ўқишдан кўра осонроқ.

Рухшунослар боланинг шахс сифатида шаклланишида қизиқувчанлик ва бирор бир хусусияти билан бошқалардан ажралиб туришига мойиллик етакчилик қилиши ҳақида кўп таъкидлашди. Шу боис бола кундалик ҳаётида учрамайдиган экрандаги ҳолатга катта қизиқиш билан қарайди. Фильм қаҳрамонларининг ғайриинсоний қобилиятларига тақлид қилишни хоҳлайди.

Зангори экраннинг зарари борми?

машгулот билан ҳамма ёппасига шуғуллана олмас, чунки китоб ўқиш учун биринчи навбатда савод ва савия керак эди. Бугун эса...

Телевидение орқали намойиш этилаётган айрим дастурларни кўриш учун, аксинча, саводхонлик кўпам шарт бўлмайди. Умуман, телеэкран ва унинг жамоатчиликка у ёки бу даражадаги таъсири муаммоси хозирги даврнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб турганлиги сир эмас.

Шу ўринда мавзуга оид айрим кузатувларимизни сиз билан ўртоқлашмоқчимиз. Кундалик турмушини янгиликлар, сериаллар ва шоуларсиз тасаввур қила олмайдиган, ҳатто кун тартибидан ТВ дастурларига қараб тузатилган юртдошларимиз ҳам оз эмас. Пулт билан бошқариладиган телевизорлар даставвал мўъжизадек кўринган бўлса-да, кейинчалик ўтирган жойимиздан бир неча метр узоқликдаги «қути»ни бошқаришга кўникдик. Дароқе, савол туғилади: Ўш, бугун ким кимни бошқарапти, техника одамларини ёки одамлар техниканими?!

Олимларнинг аниқлашича, экран ортида содир бўлаётган воқеалар одамларнинг руҳиятига у ёки бу шаклда таъсир кўрсатар экан. Масалан, навбатдаги фантастик фильми томоша қилиб бўлган, ташқаридаги шовқиндан «Ўзга сайёраликлар келган бўлса-я!» деган фикрга келишигиз ва бундан оддий ҳолда қабул қилишигиз ҳам мумкин. Ялмоғиз кампирнинг борлигига ишонганидан беш ёшли бола эса турли «вахшиёна» мультфильмларни кўриб, ҳар кун ухлашдан олдин каравоти остига мўраляйдиган бўлиб қолиши табиий. Афсуски, кўпчилик ота-оналар фарзандлари телевизордан қандай дастурларни кўраётганига деярли эътибор бермайди. Улар болаларининг фанларни бўш ўзлаштириши, муомалада кўпол бўлишида телевидениени айбдор қиладилар-у, ammo бунинг олдини олишга шошилмаётганликлари кишини жиддий ўйлантиради.

Бугун телевизорда берилаётган оддий рекламалар ҳам бола руҳиятига салбий ўзгаришларни юзга келтирмай қўймайди. Бундан ташқари, учур миллий урф-одатларимиз, ҳатто тилимиз учун жиддий хавф туғдираётгани ҳақиқат. Масалан, рекламалардаги «Хаммаси ноль», «...Телефонингга ёзиб ола!», «Синиб қолдингми?» каби хитоблар ёшларнинг шуваси ҳам «неологизм»ларга бой бўлган луғатини

15 фоизга орқада қолади. Кўп вақтини телевизор кўришга сарфлайдиган бола тенгдошлари уни тушунмаётганидан азият чекади. Чунки унинг дунёқараши мультфильм ва кино қаҳрамонларининг бошидан кечирганлари асосида шаклланади.

Бола тарбияси билан шуғулланаётган уй бекалари, турган гапки, асосий вақтини телевизор қаршида ўтказишади. Натижада фарзанди билан кам мулоқотда бўлади ва унинг кўп саволларини жавобсиз қолдиради. Бу боланинг нутқи яхши ривожланмай қолиши, мактабдаги фанларни ўзлаштиришида муаммолар юзга келишига олиб келади. Домий равишда ота-онанинг сериалга миҳланиб ўтирганини кўрган бола энди қанақасига китобларга бўлган муҳаббати билан мақтана олади, дейсиз?!

Фақатгина томоша қилиш эмас, хонадонда телевизорнинг тез-тез «сўзлаб» туриши боладаги ақлий қобилиятларни сустайтиради. Кишининг дунёқараши, маънавияти, қолаверса, тафаккури шаклланишида оммавий ахборот воситаларининг таъсири катта. Аксарият мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда бундай ахборот воситаси телевидениедир. У кишиларни ўзига жалб қилади, инсоннинг тафаккури ва хулқ-атворини, ақл-идрокини ривожлантиради. Бу эса қайсидир маънода шахсини фантазиядан, ижодий ташаббусдан, мустақил фикр юритиш ва ҳаракат қилиш йўналишидан маҳрум этади. У оилада, жамоада, дўстлар билан бўладиган муносабатларда мулоқотни расмий ва юзаси қилиб қўяди. Бугунги одам ҳис-туйғу ва эҳтиросларга йўғрилган жонли мулоқотдан кўра жонсиз предметларни — радио, телевидение ва матбуотни афзал кўради. Бундай ҳолат ёшидан қатъи назар, барча шахслар учун тааллуқлидир. Айниқса, шахс сифатида энди шаклланиб келаётган болалар бунга тезроқ дучор бўлмоқдалар. Расмий маълумотлардан аён бўлишича, кейинги йилларда бўш вақти бўлишига қарамай, фарзандлар билан ота-оналарнинг мулоқотлари сезиларли даражада камайган. Энг ачинар-



Бундай пайтда боланинг ёнида катта ҳаётий тажрибага эга шахс бўлса, унинг тўғри хулоса чиқаришига кўмак беради. Акс ҳолда, экранда намойиш этилаётган саҳна, тарғиб этилаётган гоё бола онига кумга тушган сувдек сингиб кетади.

Бугунги ўқувчи-ёшларнинг дунёқараши, ўй-фикрлари, тафаккуридаги ривожланиш жараёнига телевидениенинг таъсири аниқроқ тасаввур қилиш учун куйидаги маълумотларга эътибор қаратишигизни истардим: таджикотларга кўра, 6 ёшдан 10 ёшгача бўлган бола ўрта ҳисобда телевизор олдида 30 дақиқадан 3 соатгача ўтирар экан. Бу гўёки қисқа вақтдек кўрингани билан 3 соат ўсмирлик соғлиғига анчагина зиён етказиши. Аслида, мактабгача тарбия ёшидагилар кунига 20–30 дақиқа, 14 ёшгача бўлган ўқувчилар эса узоиғи билан 1 соат телевизор кўришлари лозим.

Айрим оилаларда ота-оналар фарзандлари экран олдида тинчгина ўтирганидан хурсанд бўладилар. Болам телевизорни қанча кўп кўрса, у шунча кўп нарсани ўрганади, дунёқараши кенгайди, билими ошади, деб ўйлайдилар. Бу мулқоқ нотўғри фикрdir.

Мактаб ўқувчиси дарс тамом бўлган ёки ўй вазибаларини бажарган заҳоти телевизор кўрса, унинг бош мия фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Телевизор мияга қўшимча юк бўлиб, толиқтириб қўяди. Шунинг учун ўқувчилар кино, театр, музейга борган кунлари телевизор кўрмаганлари маъқул. Акс

МУЛОҲАЗА

ҳолда, бола асабий бўлиб қолади, уйқуси бузилади, эрталаб ўрнидан туролмай инжиқланади. Дарсга борса, мудраб ўтиради.

Ушбу кузатув ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, болалар телевизор кўрмасликлари керак экан-да, деган хулоса чиқармаслик керак. Болалар телевизор кўришлари лозим, албатта, лекин улар кўраётган теледастур ва ажратилаётган вақтни тўғри ташкил этиш керак. Яъни, дам олиш ёки бошқа кунли дарс тайёрлаб бўлгач, тоза ҳавода сайр қилиб, сўнг телевизор кўрсалар ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир.

Яна бир нарсани аниқли, болаларнинг телевизорни қанча муддат кўриши оиладаги катталарга ҳам боғлиқ. Улар қанча кўп телевизор кўришса, болалари ҳам қўшилиб кўриб, ўрганиб қолишади. Шунинг билан, телевизорда бериладиган ҳамма кўрсатувларнинг биттасини ҳам қўймай, узлуксиз томоша қилиш фақат болаларга эмас, балки катталарга ҳам зарарлидир. Шунинг учун ҳафалик теледастурлар билан обдон танишиб, фақат энг керакли, фойдалисинигина кўришга одатланган.

Кўзойнак тақишга ўрганган болалар ёки катталар телевизорни ҳам кўзойнак билан кўришлари лозим. Хонани қоронғу қилиб кўриш тавсия этилмайди, аксинча, бир оз ёришиб кўйган яхши, шунда кўз толиқмайди.

Рангли телевизор турган хонада зинҳор ухламанг. Болаларнинг ҳам телевизор ёнида уйнаши зарарлидир. Хозирги кунга келиб, бутун дунё бўйича рангли телевизорлар урф бўлган бир пайтда бир неча ривожланган мамлакатлар, шу жумладан, Германияда халқ соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида оққора телевизорлардан кенг миқёсда фойдаланиш урфга киратгани кишини ўйлантиради. Яна шунинг эса тутиш керакки, телевизорни кўриб бўлган заҳоти ухлаш ярамайди, ётишдан бир соат олдин телевизор кўришни тўхтатиш керак. Шундагина тинч ором оласиз.

Телевизор кўриш нафақат киши миясига, балки кўзга ҳам зиён қилади. Телевизорни 2–5 метр наридан кўриш, шундаям гавдани букмасдан, қадни ростлаб ўтириб, томоша қилиш керак. Диванга ёнбошлаб ёки қаравотга ётиб, телевизор кўриш кўзга зиён қилади. Агар кун бўйи тинмай кўриلسа, узлуксиз олинган маълумотлар бош мия ичиндаги ахборотларни бир-бирига чалқаштириб, яширин касалликларни кўзгатиб юбориши амалиётда исботланган.

Афсуски, бугунги ёш авлоднинг ота-онаси ҳам, устози ҳам, яқин дўсти ҳам телевизор бўлиб қолмоқда. Биз болаларга бу матоҳдан фойдаланишни бутунлай чеклаб қўйиш фикридан йироқми. Фақат бу жараённи назоратга олиш зарур.

Шундай экан, теледастурлар бирагўла театр, музей, саёҳат ва мутолаанинг ўрнини тўлдиршига йўл қўймайлик. Агар экран орқали дунёни танир эканмиз, мустақил изланиш ва фикр юритиш қобилиятдан аста-секинлик билан маҳрум бўлиб боришимиз натижасида санъатга, гўзалликка бўлган эҳтиёж ва бу тушунчаларнинг асл моҳиятидан маҳрумликка дучор бўламиз. Азиз ота-оналар! Фарзандларингизнинг бўш вақтини назорат қилинг, телевизор уларнинг энг сеvimли ва доимий овуночига айланиб қолмасин!

Камола АҲМЕДОВА



НАРВОН – «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да изоҳланишича, бу сўзнинг туб илдизи «шоҳчани боғла» деган маънони англатган. Шундан дастлаб нарвон шоҳчаларни бир-бирига боғлашдан ҳосил бўлган деб хулоса қилиш мумкин. Кейинроқ «нарвон» сўзи «зина», «зинапоё», «шоти» маъноларини англата бошлаган.

Нарвонга чиқсанг, шошмай чик, Ўз ҳаддингдан ошмай чик.
Мақол

ПАЙКАЛ – марза, ариқ, йўл кабилар билан ажратилган катта экин майдони маъносини англатган «пайкал» сўзини деҳқонлар кўп қўллайдилар. Бу сўзнинг туб илдизи «пай» бўлиб, у «улуш, ҳисса, бўлак» деган маъноларни ифодалайди. «Пайкал» сўзининг иккинчи қисми «кал» эса форсчада «чуқур, хандақ» деган мазмунни билдиради.

Трактор пайкал бошига етти-саккиз бориб келгунча ҳам Дилдор халқидан бўшамас.
Саид Аҳмад

МАНЗИРАТ – тилимизда тақаллуф, мулозамат маъноларини англатган «манзират» сўзининг туб илдизи «меҳмонхона», «қабулхона» деган мазмунни билдиради.

Раҳмат, Олимжон ака. Ман уйга борай, — Ҳақимбойвачча тақлифни оддий манзират деб билгани учун кетмоқчи бўлди.
Ойбек

МАШОҚ – бугунги ўриб-йиғиб олиш пайтида, ўримдан кейин ерга тўкилиб қолган бошоқлар «машоқ» сўзи билан ифодланади. Бу сўз халқ тилида ва адабий асарларимизда тез-тез учраб туради.

Ўроқда йўк, машоқда йўк, хирмонда ҳозир.
Мақол

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

БУХОРО ВИЛОЯТИ РОМИТАН ТУМАН ҲОКИМЛИГИ, ТУМАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ

барча юртдошларимизни, мунис ва муҳтарама хотин-қизларимизни мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади!



Ватанимизда доимо тинчлик ва осойишталик барқарор бўлсин! Хонадонларимиздан аҳиллик ва тўкинлик аримасин!

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

ҲИҚМАТЛИ ДУНЁ

Камчиликсиз одам

Бир куни Искандар Зулқарнайн маслаҳатчисига дебди:

— Шу пайтгача сенга қанчадан-қанча инъом-эхсонлар бердим. Аммо менга чин дилдан, садоқат билан хизмат қилганингни кўрмадим.

— Авф этасиз ҳукмдорим, айбим нимада? — деб сўрабди довдираб қолган маслаҳатчи.

— Бир марта бўлса ҳам камчилигини юзимга айтмадинг. Бу қандай садоқат, бу қандай яқинлик?

— Ҳукмдорим, сизда ҳеч қандай камчилик йўқ...

— Йўқ, янглишасан! Менда камчилик борлиги аниқ. Чунки инсон айбисиз, нуқсонсиз бўлмайди. Агар сен менда қандайдир хато-камчилик кўрмаётган бўлсанг, гирт аҳмоқсан. Мабодо кўриб туриб айтмаётган бўлсанг, ўтакетган мунофиқсан.

БЕПУЛ МАСЛАҲАТЛАР

Грелка сувига бир чой қошиқ туз солиб юборсангиз, у узоқ вақт совимайди.

Сабзавотни қайнатишдан олдин уни бироз вақт шўр сувда ивитиб қўйиш керак.

Овқат қовурилаётганда ёг сачрамасин десангиз, ёгга бироз туз ташлаш керак.

Сутга бироз туз ташласангиз, анчагача сачрамайди.

Қуриб қолган ёнғоқни 4-5 кун номақобга солиб қўйсангиз, таъми ва намлиги тикланади.

Горчица сувда эмас, сутга қориб тайёрланса тез қуримайди.

Серка КАТТАЕВ тайёрлади.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой,
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой,
Аёллар костюм-шими, плащ-пальто — 1-2 ой,
Ҳамшира — 6 ой, 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт,
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан),
Гиббий массаж — 2 ой, Нуқтали — 1 ой,
Торт ва пишириқлар — 2 ой,
Тишириқлар олий курси — 1 ой,
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой,
Аёллар сартарошлиги — 3 ой,
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой,
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой,
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой,
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой,
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун),
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка),
Тўкувчилик — 2-3 ой,
Инглиз тили — 3 ой,
Рус тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой,
Сунъий гул яшаш — 1-2 ой,
Компьютер сабоқлари — 2 ой,
Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан
Етоҳхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга
ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани 3-маъра 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори бош томони орқасида.
Тел: (8371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ
Манзил: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси, Кўйлик, 4-уй 40-хона. Мўлжал Кўйлик кийим бозори рўпарасида.
Тел: (8371) 295-97-82 +99897 785-90-30 (кундузи)

БЎЛГАН ВОҚЕА

...Солиҳа хола шаҳарга борадиган куни тун бўйи ёмғир ёғди. Қишлоқ кўчасидан катта йўлга чиқиб олгунча лойга ботди. Нима қилсин, бормай деса, қизини, набирасини бир-бир соғинган. Уларни кўрмаганига роса икки ой бўлибди. Ўзи бормаса, олис йўл, болалари билан қизининг келиши қийин. Қолаверса, бугун яқшанба, бошқа кунлари улар ишда, ўқишда бўлишди. "Маза қилиб дийдорига тўйиб келаман. Бир-икки кун қоларман ҳам", деб ўйлади у.

Кўз олдига қизи келди аввал: овозини эшитиб оқ югуради у, она-бола бир-бирининг кучоғига сингиб кетишди. Кейин ортидан "Ур-ре, бувижоним келдилар", дея неваралари чопиб чиқади. Шундай ширин хаёллар оғушида кетиб борар, негадир машина ҳам имиллаб юрарди. Бот-бот оёғи остидаги ва тиззасидаги тугунларга қараб-қараб кўяди. Оламан деган нарсаларни унутмадимми, дейди. Кеча патир, сомса ёпди, қатлама пиширди. Набираларимга деб бодом, ёнғоқ, анор, туршак, ҳатто курут ҳам олди. Битта белбоққа уч-тўрт килоча гуруч тугводди. Деҳқончилик, ош қилиб ейишар, деди. Шаҳарга етган, бозорга киради. Кеча пенсиясини олувди, икки-уч хил канд-курс харид қилади. Хола шуларни ўйларкан, камзулининг ички чўнтагини пайпаслаб қўйди.

Ниҳоят, марказга етиб келишди. Бозорга тушиб чиққунча нафаси бўғизга тикилиб қолди. «Қарчилик курсин», — пичирлади хола пешонасидаги резе-реза терларни рўмонинг учи билан артаркан. Амаллаб яна битта «Дамас»га чиқиб олса бас, қизи ашайдиган кўп қаватли уйнинг ёнига олиб боради.

Хола рақами эсида қолган «Дамас»га қўл кўтарди. Адашиб

қолмай дея, манзилни ҳайдовчидан яна бир бор сўраб олди. Жавобни эшитмай, саволини иккинчи бор қайтарганида, ҳайдовчи йигит жеркиб берди:

— Боради дедим-ку, хола, намунча имиллайсиз, тезроқ чиқа қолинг, кечикаяпман...

Холанинг кўнгли оғриди. Тугунлари билан жойлашиб олган, атрофга боқиб кетаркан, ўзини ўзи юпатди: «Тўғри-да, тезроқ

радаги эшикка қаради. Ҳориган вужудига қаердан куч пайдо бўлди. Юзига табассум югурди. «Ишқилиб уйда бўлишини да!» кўнғироқни босаркан, кўнглидан шундай хавотири ўй кечди. Ичкаридан анча пайт садо бўлмади. Хавотири кучайиб яна тугмачани босди. Дақиқалар соатдай туолар, жимлик юрагига тобора гулгула соларди. Ичкаридан:

нинг совуқ муомаласидан ҳайронлигини бетобмикан деган оналарга хос ҳадик, куюнишга алмашган Солиҳа хола беихтиёр остона ҳатлади. Ҳатлади-ю, бирдангина тўхтаб қолди. Лой қалишлари билан чўғдай гиламча устида турарди.

— Вой, узр-а, болажоним, кўчада ёмғир ёғаётгани учун...

Ёмғир ёққан кун



— Ким у? — деган таниш овоз келди.

Хола қувониб кетди. Ҳаяжондан бир муддат калов-ланиб қолди:

— М... мен, қизим, менман!..

Эшик қулфлари шарақлаб очилди. Ундан калта сочлари тўзгиган, пешонасини рўмол билан тангиб олган аёлнинг боши кўринди.

— Онанг ўргилсин, болам, яхши ўтирибсизларми? Нима, мазанг йўқмиди, тузукмисан, невараларим яхшими?

Онанинг пайдар-пай берган саволларига жавобан қизи зўрға «салом-алайкум» дея тўнғиллади. Она бағрини очиб кучоғига олмоққа шайланган эди, қизи бўлса эринибгина қўл узатди. Ва ноилоҳ:

— Келинг, — деди-да, «кирмайсизми?» деган маънода кампирни ичкарига имлади. Қизи

Она минг хижолат ила бўсағада ичкарига киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмай турарди. Айб иш қилиб қўйган боладай қизининг юзига боқди.

— Уф, шу маҳси-калишининг пастда тозалаб келсангиз бўларди-ку, ойи, янги палосиниям расво қилдингиз энди. Кираверинг, шуниси етмай турувди, ўзи.

Хола яхшилаб қараса, маҳсиларига ҳам лой теккан экан. Қўлларидан тугунларини қаерга қўйишни билмай бироз даҳтангиб олган аёлнинг боши кўринди. Қизи эшикни ёпди. Кейин унга юзланди.

— Манави тугун-тақаларининг тағиям лой, шекилли, менга беринг-чи!

Қизи ошхонага тугунларни қўйиб, тезгина ортига қайтди.

— Маҳсини ҳам ечинг, бўлмаса ичкаридаги гиламларимниям болайсиз, хозир.

— Хўп, хўп, болам...

Она турган жойига ўтириб, маҳсини ечмоққа уринди. Қиз эса тепасида қараб турди. Юз ифодасида норозилик бор эди.

— Беринг, — у маҳсиларни олиб, ваннахона эшигини очди-да, ичкарига улоқтириб юборди.

Солиҳа холанинг юраги тобора музлаб борар, етти ёт бе-

гона одамнинг уйига кириб қолгандек ўзини ниҳоятда ўнғайсиз сезарди. Қизи таклиф этган хонага кириб, курсига омонатгина чўкди. Дастурхон ёзилди, тарақтуруқ қилиб у-бу егуликлар олиб келинди. Қиз чой қуйиб, онасига узатаркан, норози оҳангда:

— Ойи, нима қилардингиз шунча йўлдан овора бўлиб келиб-а? Ёмғирда зарилмиди сизга? Бир оғиз телефон ҳам қилмапсиз-да?

— Нима қилай, қизим, сенларни жуда соғиндим, кўрғим келди. Болаларинг қаерда?

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Зебо нариги хонадаги гўшакни олиб ким биландир қуюқ салом-алик қилди. У бир гапириб ўн кулар, бу эса холанинг кўнглида шу ондаёқ ўкинчми, аламини, шунга ўхшаш галати бир кайфият уйғотди. Волидасининг дийдорини қўриб эмас, балки бегона бир одамнинг овозини эшитиб чиройи очилган қизидан хафа бўлишни истамас, аммо юрагидан кечаётган оғриққа парво қилмасликнинг уддасидан ҳам чиқа олмасди.

— Ҳа, келавер, ўртоқжон, сени роса соғинганман-а! Нима? Кампирми? Эртага қайтиб кетса керак!

«Кетса керак» — бу сўзлар холанинг юрагини тимдалаб ўтди...

Зебо телефондаги суҳбатни якунлаб меҳмонхонага кирганида... холанинг ўрни бўш эди.

...Орадан бир йил ўтиб, яна худди шундай ёмғирли кун келди. Бу кун худди шу хонада Зебо бир жуфт маҳсиларни бағрига босиб, эзилиб-эзилиб йиғлар, аммо кўксини куйдираётган аламли армонга энди чора йўқ эди...


Шахло ТОШБЕКОВА

Узоқ умр кўриш сири...

Нарпай тумани Янгиқўрган қишлоқ фуқаролар йиғинида яшайдиган Улжон момо Жўраева яқинда ўзининг 101 ёшини нишонлади. Табарруқ онахонни муборак ёши, таваллуд топган куни билан кутлаш учун 50 нафар невараси, 14 нафар чевараси ва 14 нафар эвараси кучоқ-кучоқ гулдас-та, совға-салом билан кириб келишди.

Аср тенгдоши Улжон момо авлодларига минг хил азоб-уқубатлар исканжасида кечган йилларини, қаҳатчилик ва очарчиликлар ҳақидаги маҳзун ҳикояларни айтиб берди. Бугунги дорумон кунларга етиб келганига шукроналар айтиб, дуога қўл очди.

Онахон 1960 йилдан буён нафақада бўлса-да, уйда ўтириб қолгани йўқ, тиним билмади. Охириги йилларда бироз мадордан кетгани ҳам рост. Аммо неваравараларини йўлга солиб, ҳалол меҳнат қилишга ўргатди. Улжон момонинг ҳовлисида ҳозир 30 турдаги турли мевали дарахтлар бор. Онахон ҳар баҳорда олча, олма, ўрик ва нок дарахтларини гуллашини қўриб, кўзи қувонади, завқ олади. Болаларини, эвараларини ҳар доим ерни эъозлашга, табиатни севишга, инсонни қадрлашга ундайди. Ва албатта, бугунгидек тинч-фаровон кунларнинг қадрига етиб, шукрона келтиришга, доим халқ қорига елка тутиб яшашга ҳақиради. «Узоқ умр кўришининг сири мана шунда!» дейди Улжон момо Жўраева.



Жўшқин ДОВУР,
Самарқанд вилояти.

ҚАРШИ ШАҲАР ДАВЛАТ САНИТАРИЯ ВА ЭПИДЕМИОЛОГИЯ НАЗОРАТ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни мамлакатимиз

мустақиллигининг

20 ЙИЛЛИК

байрами билан чин юракдан табриклайди!

Бизга шу озод ва обод Ватанда эркин, фаровон яшаш, ҳалол меҳнат қилиш учун кенг имкониятларни яратиб берган истиқлолимиз абадий бўлсин!

Барча ватандошларимизга сиҳат-саломатлик, хотиржамлик ва эзгу ишларида улкан зафарлар тилаймиз!

РЕКЛАМА ЎРНИДА



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЕКБОД ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

*барча юртдошларимизни
Истиқлолнинг қутлуғ
санаси — 20 йиллиги билан
табриклайди!*



**Ватан равнақи, юрт тинч-
лиги ва халқ фаровонлиги
йўлида интилган, изланган
инсон борки, асло кам
бўлмайди, меҳнатлари қадр
топади, шубҳасиз.**



*Бекобод шаҳри аҳли
мустақиллигимизнинг 20
йиллик тўйини муносиб
тўёнлар билан қарши
олди. Мана шундай озод
ва обод мамлакатга бай-
рамлар, тўй-тантаналар
ярашади.*



РЕКЛАМА ЎРНИДА


САЙИЛЛАРИМИЗ БАРДАВОМ БЎЛСИН!

— **Ёшим 60 да.** Тошкентлик Ҳасанбой ота бўламан. Маълумотим олий. Фарзандларим ўзларидан тинган. Қисматимда бор экан. Аёлим бедаво дардга чалиниб, бундан олти йил илгари қазо қилди. Ушанда яқинларим уйлангин деганда унамагандим. Фарзандларим оқибатли, улардан нолимайман. Лекин мен билан бирга яшаётган кенжа ўғлимнинг хотини феъллигина чиқди. Майда гап-сўзни ёқтирмайман. Бизнинг ёшимизда хотиржам яшашга нима етсин. "Оила ва жамият"нинг 34-сонидан берилган Наташа исмли аёлни сўраб келдим.

— **Унга сиз ҳақингиздаги маълумотларни берамиз. Роза бўлса, кейин сизга хабар қиламиз.**

— Умидим сизлардан. Ишонамда ҳам, маҳалламизда ҳам обрў-эътиборим бор. Раҳматли болаларимнинг онаси Гулсара ниҳоятда уддабурун, пазанда, кўлигул чевар аёл эди. Унинг оқ кўнгиллигию меҳрибонлигини қизларимда кўриб суюнаман. Қани энди, бахтимни қайта топсам, шундай аёл учраса. Хабарингизни кутаман.

— **Ёшим 57 да.** Исми Манзура. Навоийликман. Маълумотим



тим олий. Нуфузли ташкилотларда хизмат қилиб нафақага чиққанман. Фарзандларим ташвишидан қутулганман. Турмуш ўртоғим билан севишиб турмуш қургандим. У киши жуда олижаноб инсон эди. Бевақт қазо қилган. Фарзандларимни ўқитиб, уйли-жойли қилдим. Қийинчиликларим ортда қолди, деб суюнгандим. Шу... келинларимнинг қош-қавоғи дегандай... — ух тортиб, кўзидан дув тўкилган ёшни шошиб арта бошлади суҳбатдошимиз.

— **Сизга имкони борича ёрдам берамиз. Қаерлик эр-какка турмушга чиқмоқчисиз?**

— Навоийлик бўлса, яхшийдир. Қадримга етадиган, фарзандлари ташвишидан қутулган, диёнатли, уйим-жойим дейдиган инсон бўлса...

— **Ўзингизнинг уй-жойингиз борми?**

— Йўқ. Фарзандларимни уйли-жойли қилсам, уларники меники ҳам-да, деб қалта ўйлаган эканман. Бир-бирдан ширин невараларимнинг тирик етим бўлишини истамайман.

Келинларим зимдан ўтказаётган зулмларни ўғилларим билишмайди. Шундай бўлгани маъқул. Тахририят оstonасини ҳатлашим осон бўлмади. Ўйлаб-ўйлаб, ахйири шу қарорга келдим...

— **Бухороликман. Исми Ахрор. Ёшим 46 да.** Маълумотим ўрта-махсус. Битта ўғлим бор. Саодат билан севишиб турмуш қургандик. Ниҳоятда бахтли яшаётгандик. Уша куни у бетоб ётган онасини кўргани кетди-ю, қайтиб келмади. Йўлда автоҳалокатга учрабди. Касалхонада менга айтган охири сўзи "Ўғлимдан меҳрингизни аяманг, уни сизга топширдим, сизини..." бўлди. Умри қисқа экан-да.

— **Ўғлингиз тарбияси билан ўзингиз шугулланаяпсизми?**

— Ўғлимга асосан қайнонам қарайди. Ҳозир вояга етиб қолган. Ахир, хотиним қазо қилганига ўн бир йил бўлди.

— **Шу вақтгача қайта уйланмадингизми?**

— Йўқ. Қайнонам "Жон болам, уйлангин. Сен бундай

сўққабош юрсанг, қизимнинг руҳи ҳам безовта бўлади", деб бир-икки аёлни топди. Лекин менга маъқул бўлмади. Энди жиддий ўйлаб, уйланишга қатъий қарор қилдим. Қаерлик бўлса ҳам, ўғлимга меҳрини аямайдиган, калби соф, уйим-жойим дейдиган, қадримга етадиган аёл учраса уйланиб, уни бахтли қилмоқчиман.

— **Исми Султонпошша. Қорақалпоғистонликман. Ёшим 38 да.** Маълумотим олий. "Оила ва жамият" семивли газетам, бахтимни топишда ёрдам берган сирдошим. Тахририятга мурожаат қилганимдан сўнг ордан 1,5 йил ўтгач, ўз юртимдан

АЖАБ ОЛАМ Парашютлар очилмаганда...

1972 йилнинг ноябрида Боб Нейл исмли талаба-парашютчи 1000 метр баландликдан учаётган самолётдан навбатдаги сакраш машқини амалга оширди. Бахтга қарши на асосий, на захира парашюти очилди. У соатига 128 км тезликда ер томон юзтубан кулаб борарди.

Нейл кейинроқ шундай эслайди: "Мен бор овозда бақирадим. Уша лаҳза ўзимни ҳалок бўлган, ҳаммаси



тугаган, умрим интихо топган деб билардим. Ҳаммасига рози эдим. Бошқа ҳеч нарса кўлимдан келмасди ҳам".

Мўъжизани қарангки, ерга кулаганидан бир неча дақиқа ўтиб, Нейл ерга ўрнидан туриб, юра бошлади. Ерга кучли зарб билан урилишига қарамай, бурни ва бир неча тиши синган эди, холос. Унинг бу ходисадан қандай қилиб тирик қолганини ҳеч ким тушунтириб беролмасди.

Очилмаган парашютдан омон қолган яна бир жаноб Пол Льюис бўлиб, у ҳам британиялик. 2007 йил Шропшир графлигига қарашли Уитчерч шаҳарчаси осмонда, нақд 3000 метр баландликда амалга оширилган сакраш чоғида 40 ёшли Полнинг парашюти очилмай қолади. Воқеага жонли гувоҳ бўлганларнинг айтишича, парашютчи тўғри келиб, томга урилади. Бу зарбадан унинг боши ёрилиб, бўйни қаттиқ лат ейди. Аммо муҳими, у тирик эди. Шифокорлар яраланган Полни вертолётда энг яқин госпиталга олиб кетишади.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

Ибройим исмли инсон билан танишдим. Хотини бедаво хасталикка чалиниб, қазо қилган экан. Ушанда ёлғиз қизи Зебо бир яшар бўлган. Ордан саккиз йил ўтиб, Ибройим қайта уйланишга қарор қилибди. Онаси менинг ўтган йилларим, ҳаётим билан жиддий қизиқди. Орқаваротдан сўраб-суриштирибди. Ахир, тоғамнинг ўғли Рустамбекка унаштирилгандимда. У ёлғиз ўғил эди. Шу сабаб тоғам қўйнимдан тўкилгани кўнжимга, ўзгандан ўзимники яхши, деб мени келин қилмоқчи бўлган. Лекин Рустамбек бир курсдошига кўнгил қўйиб, отасига айтмай қонуний никоҳдан ўтиб, битта қизчални ҳам бўлган экан. Онам билан тоғам юз кўрмас бўлиб кетишди. Мен эса айбисиз айбдор бўлиб қолдим... Рустамбекнинг онаси мени тўғри тушунди. Тўйимиз бўлди. Сизлардан бир умр миннатдорман.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бево-сита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

«МЕНГА БАРИ БИР!»

ГОЯГА ҚАРШИ ГОЯ

Француз ёзувчиси Альбер Камюнинг "Бегона" қиссасини ўқиганимдан кейин шу мақолани ёзишга аҳд қилдим. Асар Мерсо исмли кишининг онаси ўлими ҳақида хабар топишидан бошланади. У эртасига онаизори умрининг сўнгги кунларини яшаган қариялар уйига йўл олади. Шу ерда ортирган дўстлари бир кеча давомида Мерсо хоним билан хайрлашишади. Ўгли эса студда ухлаш билан банд бўлиб, уйғонган онаси тобути турган хонада чекишдан ҳам уялмайди. Қабристонга етиб боргунча, бу жараён тезроқ тугаганини истаб, офтобдан чарчагани ҳақида ўйлайди. Кўзидан бир томчи ёш ҳам чикмайди. Чунки унинг қалби муҳрланган! Унга бари бир! Фарқи йўқ!



Дунё миқёсда шундай мерсолар кўпайиб бораётгани ҳаммаизга маълум. Бунинг сабаблари нимада? Нега бой маданият, узоқ тарихга эга халқимиз орасида ҳам шундайлар учраб турибди? Бу иллатга қарши қандай курашларимиз бор? Шу каби саволлар атрофида ўзимизга маълум доира ичида фикр юритамиз.

Инсоннинг шаклланишига энг катта таъсир ўтказувчи омил — оиладир. Бола оилада биринчи сўзини айтади, дастлабки қадами кўяди, табиатнинг тўрт фаслини илк мартаба ота-онаси билан кўтиб олади. Жамиятда ўзини қандай тутиши, бошқалар билан муомала қилиши ўрганади. Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги кунда кўпгина ота-оналар фарзандларини моддий таъминлаш билан

андармон бўлиб, уларнинг таълим-тарбиясини унутиб қўйишмоқда. Болалар анагалар қўлида катта бўлишарди. Айри фарзандлар кунига икки мартаба — эрталаб боғча ёки мактабга бораётганда ва кечкурун худди ўша жойдан қайтаёт-

бўлса, болалар кимдан тарбия олмақда? Ҳа, хаёлга дарҳол энагалар келади. Аксарият энагалар эса кунини сериал кўриш билан ўтказишади. Уларни маош қизиқтиради, бола эмас. Шундан кейин ҳам бу йўлни тўғри деб ўйлайсизми? У ҳолда ука-сингилларимиз қандай улғайишмоқда? Телевидение, интернет ва кўча тарбияси биланми? Афсуски, бола ташки олам билан муносабатга киришар экан, аввало, оиласида маълум бир кўникмалар шаклланиши керак. Бусиз у комплекс сиз сайёҳга ўхшаб қолиши аниқ. Яхшири ёмондан, оқни қорадан ажратолмагач, танлашда кўпгина янгилишмовчиликларга йўл қўяди, албатта! Нимани кўрса, ўшани тўғри деб билиб, борлигича қабул қилиш яхшиликка олиб бормаслиги кундай равшан.

Бу каби салбий оқибатларни бартараф қилиш учун ҳукуматимиз томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётганидан яхши хабардоримиз. Узлуксиз таълим тизимининг ҳаётга жорий этилишининг ўзиёқ ёшлар тарбиясидаги каттагина бўшлиқни тўлдирди, десак муболаға бўлмайди. Аммо халқимизда "Қарс икки қўлдан чиқади" деган гап бор. Ота-оналар нафақат ўзлари ёки фарзандларининг, балки мамлакатнинг келажаги ҳам ўз қўлларидан эканини унутмасдан, болалар тарбиясида бир дам ҳам бераволикка йўл қўймай, миллат ва Ватанга муносиб авлодни улғайтиришлари керак. Энг муҳими, фарзандларимиз қалби ҳеч қачон муҳрланмасин! Улар орасидан мерсолар етишиб чиқмасин! Болаларимизга бари бир бўлмасин!

Камолиддин НАСРИДДИНОВ

гандагина ота-оналарини кўриш имкониятига эга, холос. Кечки пайт эса меҳрга интиқ болалар "Жонимга тегдин!", "Тинчлик берасанми, ўзи!", "Сени деб кечаю кундуз ишлайман!", "Дам олишга кўясанми!" каби дашномларни эшитиб олишади. Шу боис уларда ота-онаси билан муомала қилиш истаги йўқолади, қалби муҳрланади — хуллас, бари бир бўлиб қолади!

Агар ота-оналар тарбия бераётган

Нафосат ва гўзаллик байрами

Тошкентда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва "Happy Sagavan" халқроқ турнири бошланди.

Жаҳон кубоги босқичи беллашувларида 18 мамлакатдан энг кучли 28 нафар спортчи қатнашмоқда. Турли мусобақаларда совринли ўринларни кўлга киритган, яъни ўтган йилги XVI ёзги Осиё ўйинларининг кумуш медали соҳибаси Уляна Трофимова, жамоа беллашувларида кумуш медалларни кўлга киритган Жамила Раҳматова ва Замира Санакүлова мазкур мусобақаларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади. Бундан ташқари, Жаҳон кубогининг мазкур босқичи мусобақаларининг жамоавий баҳс-



ларида Феруза Аминова, Луиза Ганиева, Олга Кирякова, Зарина Қурбонова, Екатерина Сафронова ва Яйра Сержанова каби иқтидорли гимнастикачи қизларимиз иштирок этади.

Тошкентда Жаҳон кубоги босқичи билан бирга ёшлар ўртасида "Happy Sagavan" халқроқ турнири ҳам ўтказилди. Унда Мафтуна Шамсиева, Валерия Давидова, Анастасия Сердюкова ва Майя Филиппова мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади. "Кувноқ карвон" номи билан ўтказилаётган бундай беллашувлар Ўзбекистонда аввал ҳам ташкил этилган. Халқроқ гимнастика федерацияси бундай мусобақалар юксак савияда ташкил этилиши ва иштирокчиларининг маҳорати ортиб бораётганини эътиборга олиб, бу йил мазкур турнирга халқроқ мақомни берди.

Чипталар тугади

Ўзбекистон футбол Федерацияси Жаҳон чемпионати саралаш босқичи доирасидаги Ўзбекистон — Япония учрашувиغا чиқарилган 29.383 та чипталарнинг барчаси сотиб бўлинганини эълон қилди.

Бу ҳолат мухлислар томонидан ўйинга бўлган қизиқшининг юқорилигидан дарак беради, албатта.

Таъкидлаш лозимки, ЎФФ терма жамоалар Маркази мухлисларга қўлайлик яратиш мақсадида барча чора-тадбирларни амалга оширди. Яъни, чипталар 3 хил тоифага ажратилди. Шунингдек, хоҳловчилар учун СИП секторидан 15 000 сўмдан чипталар сотувга қўйилган бўлса, 1-тоифадаги чипталар нархи 10 000, 2-тоифадаги чипталар 5 000 ва 3-тоифадаги чипталар нархи 3 000 сўмни ташкил этди.

Эслатиб ўтамиз, 2014 йилги Жаҳон чемпионати 3-саралаш босқичи доирасидаги Ўзбекистон ва Япония терма жамоалари ўртасидаги ўйин кеча «Пахтакор» стадионида бўлиб ўтди.

Интернет манбалари асосида Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

Нуқсон

У асли тугма нуқсон билан туғилган эди.

Сиртдан қарасангиз бинойидек. Тўрт мучаси соғдай. Қулоғи эшитида, кўзи кўради. Оёқ-қўли бутун. Юради. Ҳаракат қилади.

Бирок... Унда тугма нуқсон бор. Унинг дарди ичида — юраги касал. Ҳасад деб аталмиш иллат юрагига маҳкам ёпишиб олган. Узиб ҳам бўлмайди, кесиб ҳам.

Қон билан кирган жон билан чиқади, шекилли...

Сув

Сув кўп нарсага тозалайди: идиш-товоқни, кийим-кечакни ва ҳоҳса... Кир нарса борки, сув поклайди. Сув билан шўрни ювадилар. Сувга тикилиб ором олишади ва ҳатто сувга тушларини ҳам айтишади одамлар.

Айтишларича, сув ўзини ҳам тозалаб турар экан. Ҳар қандай оқар сув етти қадамдан сўнг покланаркан.

Афсуски, сув билан бир нарса — юракни ювиб бўлмайди. Юракнинг кирини тозалаб бўлмайди.

Шундай бўлганида, эҳтимол, дунёда галамислар камаярмиди...

Лола УРОҚОВА

АДЛИЯ ФАОЛИЯТИ

Исми Жумонг эмиш...

...Хонамиз эшиги оҳиста чертилиб, 22-23 ёшлардаги йилгит киришга рухсат сўради.

— Мен боламга туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олмақчи эдим, — деди у ийманибгина кўлидаги қоғозни узатаркан.

— Бунинг учун бошқа расмий ҳужжатлар ҳам керак бўлади, — дедим унга.

Бироз ўйлаб турди-да, содир бўлган воқеани айтиб берди:

— Фарзандим туғилганида бутун оила аъзоларимиз билан қувондик. Лекин мен йўқлигимда отам набирасига ўзлари исм қўйибди. Бу эса энди бизга ёқмайпти. Илтимос, ўзгартиришга ёрдам беринг.

Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномага кўз югуртираман. Қай кўз билан қўрайки, унда "Жумонг" деган ёзув турарди. На қулишни биласиз, на...

— Нима қилай, ўшанда отамнинг раъйини қайтар олмадим. Энди ўйлаб кўрсак, бу миллий урф-одатларимизга умуман мос тушмас экан.

Отасининг илтимосини инобатга олиб, ўглига бошқа ном қўйиш учун Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунининг 15-моддаси талаблари асосида ҳужжатлар тайёрлаиб, исми ўзгартирилган гувоҳнома берилди. Ўйлаб қоласан киши, наҳот айримлар шу даражада савиясиз, тур фикрлайдиган ҳолга тушган бўлса? Ахир, бу сериал қахрамонлари Алпомиш ёки Темур, Улугбек ёки Бобур деган улғу ноилар олди-дари сариқ чақага ҳам арзимайди-ку!

Ўсиб келаётган ёш авлод келгусида тенгдошларидан уялмаслиги учун унга қўйилган исм ҳам жуда муҳим аҳамиятга эгалигини ҳар бир ота-она, қолаверса, кексалар ўйлаб

қўришлари лозим бўлади. Халқимизда "Исм ҳам хусн" деган гап бежиз айтилмаган.

Туманимизда 45 та ўзини-ўзи бошқариш органи бўлиб, 118 миңдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ҳар бир оила соғлом ва баркамол авлодни воёга етказиши учун давлатимиз томонидан қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Мактаб ҳамда лицейлар, касб-ҳунар коллежларининг ўқувчи ёшлари билан ўтказилаётган ўзаро мулоқотларда юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган эзгу ишлар бирма-бир санаб ўтилиши асосида миллий маънавиятимиз ҳамда ўзлимизни тиклаш ва англаш йўлидаги ислохотларни ҳам кўп бора эътироф этамиз. Масалан, Ибн Сино, Чилонгу, Афросиёб маҳаллаларида уюштирилган учрашувлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 69-моддаси "Боланинг исми, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқи" деб номланган, бу борадаги тартиб-қоидалар аниқ белгилаб қўйилган. Болага исм қўйишда ота-онанинг ўзаро келишуви инобатга олинади, ота исми отасининг исмига кўра берилади, ота-онанинг фамилияси эса ота-онанинг фамилиясига қараб белгиланади. Ота-она турли фамилияларда бўлса, келишувга биноан болага отасининг ёки онасининг фамилияси берилади. Ота-онанинг хоҳишига кўра, болага ота ёки она томонидан миллий анъаналарга биноан бобонинг исми бўйича фамилия берилиши мумкин.

Азамат ИСТАТОВ, Ромитан туман ФХДЭ бўлими мудири.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқроқ хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20
Котибият: 237-21-82
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 928. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 7586. Баҳоиси келишилган нарҳда. Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ Саҳифаловчи — Оқил РАҲИМОНОВ Мусаххилар — Саидгана САЙДАЛИМОВ, Мафтуна МИНГБОВЕВА

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5